

## **ЎЗБЕК ТИЛИДАН ИНГЛИЗ ТИЛИГА БИЛВОСИГА ВА БЕВОСИГА ТАРЖИМАЛАР ХУСУСИДА**

**Камола Арипова Юсупова**

Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
Чет тиллари кафедраси катта ўқитувчиси  
90 981-46-15  
e-mail: kamolakind@mail.ru

### **АННОТАЦИЯ**

*Мақолада таржима фаолиятининг аҳамияти, бадиий таржима ва унинг қийинчиликлари, ҳамда турли тиллар ўртасидаги муносабатлар ҳақида сўз боради. Таржима, халқ ва маданиятлар ўртасида ўзаро алоқани мустаҳкамлашда муҳим рол ўйнайди. Бадиий таржиманинг мураккаблиги, асарларнинг маъно ва услубини сақлаб қолиш зарурияти билан боғлиқ. Таржима назарияси ва амалиёти ҳақида турли олимларнинг фикрлари келтирилган.*

***Калит сўзлар:** адабий, ижтимоий-сиёсий ва махсус таржима, кетма-кет таржима, синхрон таржима, маҳаллий таржима, коммунал таржима.*

## **НЕПОСРЕДСТВЕННЫЕ И КОСВЕННЫЕ ПЕРЕВОДЫ С УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА НА АНГЛИЙСКИЙ**

### **АННОТАЦИЯ**

*В статье говорится о важности переводческой деятельности, художественном переводе и его сложностях, а также о взаимосвязях между различными языками. Перевод играет важную роль в укреплении взаимосвязей между народами и культурами. Сложность художественного перевода связана с необходимостью сохранить смысл и стиль произведений. Приведены мнения различных ученых о теории и практике перевода.*

***Ключевые слова:** художественный, общественно-политический и специальный перевод, последовательный перевод, синхронный перевод, перевод с места, коммунальный перевод.*

## **DIRECT AND INDIRECT TRANSLATIONS FROM UZBEK TO ENGLISH**

### **ABSTRACT**

*The article discusses the importance of translation activities, artistic translation and its challenges, as well as the relationships between different languages. Translation plays a crucial role in strengthening the connections between nations*

*and cultures. The complexity of artistic translation is related to the necessity of preserving the meaning and style of works. Various scholars' opinions on translation theory and practice are presented.*

**Key words:** *artistic, socio-political and special translation, consecutive interpreting, simultaneous translation, translation from sight, communal translation.*

## **КИРИШ**

Энг дастлабки даврдан бошлаб, инсониятнинг ривожланишида турли халқлар, миллатлар ўртасида ўзаро алоқа ўрнатиш муҳим бўлиб келган. Ҳар бир қабиланинг, миллат, элатларнинг ўз сўзлашув тили мавжуд бўлиб, бу халқларнинг бир-бири билан муносабат ўрнатиши учун энг қадимги даврларданок таржима фаолиятига эҳтиёж мавжуд бўлган.

Инсониятнинг ривожланиш тарихида тил қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлиги маълум. Қадим даврларданок қабилалар сўзлашадиган тиллар бир-биридан фарқланган бўлса, бугунги кунда дунёда 7000дан ортиқ тил мавжуд. Шунини ҳисобга олган ҳолда аниқ айтишимиз мумкинки, таржимага бўлган эҳтиёж ҳануз камайгани йўқ, балки вақт ўтиши билан тобора ошиб бормоқда. Бироқ бу нарса таржима фаолиятига нисбатан тўғри ҳисобланади, таржима назариясининг тарихи эса яқин ўтмишга бориб тақалади. Таржима фаолияти тил билан бевосита боғлиқ ҳодиса бўлганлиги учун тилшунослик соҳасида таржима фаолиятини тадқиқ этишга алоҳида ўрин ажратилади. Турли услубга оид оғзаки ёки ёзма матнларни таржима қилишга доир кўплаб илмий изланишлар олиб борилиб, бу жараёнларда учрайдиган муаммоларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таржиманинг энг қийин турларидан бири - бу бадий таржима ҳисобланади. Бадий таржиманинг ўзига хос жиҳатларидан бири шуки, унда нафақат аслият матнидаги маънонинг сақланишига, балки турли стилистик воситалар, бадий унсурларни ҳам таржима матнига олиб ўтишга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Бадий таржима усулини тадқиқ этишга таржимашунослик соҳасида кенг ўрин ажратилган бўлиб, ўзбек тилшунослари, шунингдек, Россия ва Европа тилшунослик мактаблари вакиллари томонидан таржиманинг бу турини ўрганишга оид кўплаб ишлар амалга оширилган.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Ҳозирги кунда бутун дунё халқлари ўртасида ўзаро алоқани мустаҳкамлаш жуда муҳим эҳтиёж ҳисобланиб, давлатларнинг ривожланиши, ҳар томонлама тараққий этишининг асосий омилига айланиб қолган. Глобаллашув жадал кечаётган бундай даврда ҳар бир халқнинг рақобатбардошлиги бу миллатнинг

жаҳон ҳамжамияти билан қанчалик алоқа ўрната олганлигига боғлиқ. Дунёда 7000 дан ортиқ тил мавжуд эканини ҳисобга олсак, бу тилларда сўзлашувчи халқларнинг ўзаро алоқа ўрнатиши учун таржима фаолияти бевосита муҳим эканлигини таъкидлаб ўтишимиз лозим. Таржима орқали бир халқнинг маданияти, урф-одатлари, қадриятлари, тарихий тараққиёти ҳақида бошқа халқлар ҳам билиб олади. Бу орқали дунё халқлари ўртасида ўзаро дўстлик, биродарлик ришталари пайдо бўлади. Бугунги кунга келиб, ҳар бир инсон жамиятда ўз ўрнини топиши, дунёни англаб, ундаги янгиликлардан бохабар бўлиб туриши учун камида битта хорижий тилни билишга ҳаракат қилиши гўё талаб даражасига ҳам кўтарилди. Зеро, бундан юз йиллар аввал маърифатпарвар шоир Аваз Ўтар ўғли ҳам бизни чет тилларини ўрганишга даъват этган эди:

Ҳар тилни билув эмди бани одама жондур,  
Тил воситаи робитаи оламиёнду.  
Ғайри тилни саъй қилинг билгали ёшлар,  
Ким илм-у ҳунарлар ривожин андин аёнду.<sup>1</sup>

Бу мисраларда таъкидланган фикрларнинг барчаси ҳақиқатдир. Тилни восита сифатида қўллайдиган касб эгаси бўлмиш таржимонларга нисбатан худди шу сўзларни айтсак, умуман адашмаган бўламиз.

Ўзбек таржимашунослик назарияси ва таржима амалиётининг ривожланиши Ғайбулла Саломов номи билан бевосита боғлиқ бўлиб, у таржима фаолиятини шундай таърифлайди: “таржиманинг асосий хусусияти - маънони сақлаб қолган ҳолда уни бошқа тил воситалари ёрдамида қайта яратишдан иборат бўлган сўз санъати, ижодий фаолият эканлигида”.<sup>2</sup> Бир халқнинг бадиий адабиётига тегишли бўлган асарлар таржима орқали бошқа халқларга ҳам тушунарли бўлади. Ғ. Саломовнинг сўзларига кўра, бу жараёнда таржимон - ижодкор ҳам ҳисобланади. Ғ.Саломов ўзининг “Таржима ташвишлари” асарида шундай дейди: “Таржима фаолияти наитижасида жамиятда янги муносабатлар ўрнатилади, янги қарашлар пайдо бўлади”.<sup>3</sup> Дарҳақиқат, бадиий адабиёт тарихидан ҳам маълумки, жаҳон адабиёти намуналарининг бошқа тилларга таржима қилиниши сабабли адабиётда янги жанрлар, янги оқимлар, ғоявий йўналишлар юзага келган.

Таниқли таржимашунос олим Қудрат Мусаевнинг сўзларига кўра, таржима - бир тилдаги матннинг мазмуний ва шаклий хоссаларини ўзгартирмаган ҳолда, уни бошқа тилнинг ифода воситалари орқали қайта

<sup>1</sup> Аваз Ўтар ўғли. Саодат ул-икбол. — Тошкент: Ўзбекистон, 2012.

<sup>2</sup> Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш. - Тошкент: “Ўқитувчи” нашриёти, 1978. - 93 б.

<sup>3</sup> Саломов Ғ. Таржима ташвишлари. - Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. - 20 б.

яратиш жараёни ҳисобланади<sup>4</sup>. Ҳақиқатан, “яратиш жараёни” маҳсули бўлган таржима энди асарнинг муаллифига эмас, уни бошқа тилга ўгирган таржимонга тегишли ижодий иш саналади. Таржимон бир тилдаги асарни бошқа тилга олиб ўтишда ўз ижодий қобилиятларини ишга солади, худди асар муаллифи сингари у ҳам таржимага ўз ёндашуви, ифода тили, услубини сингдиради Қудрат Мусаев ўз сўзининг давомида ушбу фикрларни келтириб ўтади: “Турли халқлар адабиёти намуналарининг бир-бирига таъсир ўтказиши, ўзаро алоқага киришиши, албатта, таржима жараёни орқали содир бўлади. Таржима туфайли ўқувчилар ўзлари билмаган тилларда ёзилган нодир асарларни ҳам ўқиб, уларнинг бадиий таъсир кучидан баҳраманд бўлиш имконига эга бўладилар. Таржима асарларни ўқиган китобхонлар эстетик завқни ҳис этадилар, шунингдек, уларнинг бадиий дидлари юксалиб, дунёқарашлари кенгаяди”<sup>5</sup>. Қ. Мусаевнинг таржима фаолияти ҳақидаги ушбу ижобий фикрларини Ғ. Саломов айтган сўзларнинг мантикий давоми, десак ҳам тўғри бўлади.

“Муаллиф томонидан яратилган илмий ёки бадиий асар, бирон нутқ парчаси, турли ҳужжатлар, иш қоғозлари, маълумотларни бир тилдан иккинчи тилга кўчириб ўтказиш, уларнинг бошқа тилда тушунарли бўлишини таъминлаш таржима жараёнининг асосини ташкил қилади”, - дейди таржимашунос олим И. Ғафуров<sup>6</sup>. Қ. Мусаев ҳамда И. Ғафуровнинг фикрига умумий хулоса суфатида шуни айтишимиз мумкинки, таржима - бир тилдаги оғзаки ёки ёзма матнни иккинчи бир тилга ўгириш жараёни бўлиб, бунда матннинг лексик, семантик, лингвакултурологик, стилистик хусусиятлари ҳисобга олинади.

Таржима фаолиятининг асарни янгидан ёзишга қиёс этилишининг яна бир сабаби шуки, бадиий асар муаллифи томонидан асарда қўлланган услубий-тасвирий воситалар, ҳис-ҳаяжонли ҳолатлар, эмоцияларни таржимада акс эттира олиш ҳам жуда мураккаб жараён саналади ва бунинг учун таржимондан катта маҳорат, вақт ва эътибор талаб этилади<sup>7</sup>. Таржиманинг муваффақиятли чиқиши - унинг таржима тили китобхонлари томонидан яхши кутиб олиниши ёки ўқилмай қолиб кетиши - кўп жиҳатдан таржимонга боғлиқ. Таржимон асар тилини мукамал даражада билиши, асарда қўлланган барча лингвистик компонентларни тўлиқ англаши, қаҳрамонлар характери-ю асардаги воқеалар тасвирини яхши тушуна олиши керак. Асар орқали муаллиф нима демоқчи эканини англамай туриб, унинг ҳикоя услуби, асар қаҳрамонларининг табиати,

<sup>4</sup>Мусаев Қ- Таржима назарияси асослари. - Тошкент: Фан нашриёти, 2005. - 8 б.

<sup>5</sup> Ўша асар, 15 б

<sup>6</sup>Ғафуров И. Таржимон мутахассислигига кириш. - Тошкент: Меҳридарё, 2008. - 5 б.

<sup>7</sup> Тўхтаўжаева Н. Бадиий таржимада лингвокултуремаларнинг ифодаланиши. Филол.фан...фалсафа док (PhD) дис. автореф. - 13 б.

воқеаларга тўғри ёндашувга эга бўлмасдан қилинган таржима жуда ноаниқ чиқади, асл асарни ифодалаб беролмайди. Натижада, таржима тили китобхонида асарга ва унинг муаллифига нисбатан нотўғри фикр пайдо бўлади, асарнинг кадр-қиммати тушади. Таржима матнини ўқиган китобхон ундан етарли даражада завқ олмаса, асарнинг аслини ҳам шундай деб ўйлайди. Таржиманинг хом эканлиги туфайли китобхонда асарнинг асл нусхаси ҳам муаллиф томонидан паст савияда ёзилган, деган тасаввур пайдо бўлади. Бадиий асарни таржима қилишдан асосий мақсад - асар тилининг лексик, синтактик, стилистик хусусиятларини ҳисобга олиб, ундаги маъно ва шакл уйғунлигини таъминлаган ҳолда таржима тилида қайта тасвир яратишдан иборат. Буни тўғри бажармаслик натижасида таржимада маъно бузилишлари кузатилиб, ифода меъёрида аниқлик йўқолади.

Аксарият ҳолларда, асарнинг тили билан таржима тили ўртасида катта фарқланиш мавжуд бўлиб, бу ҳолат тилларнинг лексик, грамматик, услубий, семантик сатҳларида яққол намоён бўлади. Бир-бирига лингвистик жиҳатдан яқин гуруҳларга мансуб бўлган, қардош ҳисобланувчи тиллар ўртасидаги таржима жараёни бирмунча осон кечади, негаки, тил унсурлари қардош тилларда кўп жиҳатдан ўхшаш бўлади. Бошқа-бошқа тил гуруҳларига кирувчи тилларда ёзилган асарлар ўртасидаги таржима эса нисбатан мураккаб жараён ҳисобланиб, таржимондан катта маҳорат, куч-қувват ва вақт талаб қилади. Хусусан, ўзбек бадиий адабиётида бевосита таржимани энг кўп учратишимиз мумкин бўлган инглиз тили ҳам ўзбек тилига қардош эмас. Ҳинд-европа тиллари оиласига кирувчи инглиз тили ҳамда туркий тиллар оиласига кирувчи ўзбек тилларида яратилган асарларни тўғридан-тўғри таржима қилиш бир қатор қийинчиликларни юзага келтиради, сабаби, бу тилларнинг грамматик тузилиши, лексик ва семантик бирликларининг таркиби бир-биридан мутлақо фарқ қилади. Бундай ҳолатда асосий эътиборни тил бирликларининг шаклига эмас, матнда ифода этилган маънонинг таржима тилига тўғри олиб ўтилишига қаратиш лозим. Таржима фаолиятини тадқиқ этган олимлардан бири Комилжон Жўраевнинг сўзларига кўра, аслият матнида муаллиф томонидан яратилган бадиийлик бўёғи, асарнинг эстетик қийматини таржима тилида очиб бериш учун тил бирликларининг моддий эмас, вазифавий жиҳатдан уйғунлигини таъминлаш керак бўлади. Таржима жараёнида қийинчиликка учрамаслик учун мутахассислар етарли даражада назарий билимга ҳам эга бўлиши керак. Назарий тайёргарликсиз бошланган таржима фаолияти мукамал бўлмай, асар охирига еткунга қадар таржимонни қийнаб кўяди. Муваффақиятли таржимани амалга ошириш учун етарли билим ва назарий маълумотларни таржимон шу

пайтга қадар бажарилган таржима амалиётлари натижасида тўпланган умумий таржима назариясидан олади.

Ғайбулла Саломов таржима фаолиятининг дунё миқёсидаги аҳамияти катта эканига урғу бериб, уни бугунги кун ҳаётини тасаввур ҳам қилиб бўлмаслигини айтади. Ўз фикрлари давомида олим шундай дейди: “Таржима бўлмаса, халқларнинг ўзаро алоқаси амалга ошмайди, бусиз эса тараққиёт бўлмайди. Бошқа халқларнинг ҳаёти, турмуш тарзи ҳақида билимга эга бўлмаслик оқибатида миллатлар ривожланишдан тўхтаб, заволга юзланади”.<sup>8</sup> Ушбу фикрларни умумлаштириб айтадиган бўлсак, таржима амалиётининг қуйидаги соҳаларда аҳамияти жуда катта:

- дунё халқларининг ўзаро алоқаси, дўстона муносабатини мустаҳкамлашда;
- илм-фан ҳамда техника тараққиётини тезлаштиришда;
- халқларнинг маданияти, санъат ва адабиётининг ўзаро таъсирлашувида;
- тиллар таркибининг кенгайиши, бойиши ва бошқаларда.

Таржима фаолиятини шунчаки нусха кўчириш, деб тушунмаслик керак. Айниқса, бадиий таржима соҳасига нисбатан бундай таърифни қўллаш умуман хато бўлади. Чунки таржима асарда аслият матнидаги ҳис-туйғу ва бадиийликдан ташқари, таржимон томонидан берилган эстетик сайқал ҳам ўз аксини топади. Таржимон бадиий асарни таржима тили воситаларидан фойдаланган ҳолда қайтадан яратади ва бу жараёнда ўзи сезмаган ҳолда ижодкорлигини ишга солади, ўз шахсий услубидан фойдаланади. И.Ғофуровнинг фикрига кўра, аслият матнини таржима тилида қайта гавдалантиришда муваффақиятга эришиш учун таржимон асарда ифода этилган тасвирни муаллиф даражасида яхши англаши лозим<sup>9</sup>.

Таржима амалиётини тадқиқ этиш борасида жаҳон тилшунос-таржимашунос олимлари томонидан кўплаб изланишлар олиб борилган. Қуйида бир канча олимларнинг фикрларини келтириб ўтаемиз: испан таржимашунос олимаси Ана Мария Рожонинг фикрича, таржима - бир тилдаги оғзаки матнни иккинчи тилдаги оғзаки матнга, бир тилдаги ёзма матнни бошқа тилдаги ёзма матнга айлантиришдан иборат бўлган фаолият туридир. А. Рожонинг бу фикрлари таржима фаолиятига нисбатан келтирилиши мумкин бўлган энг қисқа, лўнда ва умумий таърифдир”<sup>10</sup>. П. Ньюмарк таржимани муаллифга тегишли бўлган матнни у назарда тутган усулда чет тилига ўгириш жараёни сифатида кўради. Ўйлаймизки, П. Ньюмаркнинг ушбу фикрлари бадиий

<sup>8</sup> Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш. - Тошкент: “Ўқитувчи”, 1978. - 18 б

<sup>9</sup> Ғофуров И., Мўминов О. Қамбаров Н., Таржима назарияси. - Тошкент: 2010. - 18 б.

<sup>10</sup>Newmark P. A Textbook of Translation. - London: Prentice Hall, (1988/1995). - 5 p.

асарларни таржима қилишга нисбатан ишлатилса, жуда тўғри бўлади. Бунинг сабабини эса бадий адабиёт намуналарида эмоционал-экспрессив бўёқдорлик, бадий унсурлар, китобхонга таъсир кучи, муаллиф услуби ва коннотатив тағмаёноларнинг мавжудлиги орқали изоҳлаш мумкин.

Таржимашунос олим Снел-Хорби айтади: “Таржима деб, бир тилда шаклланган фикрни бошқа тилнинг бирликларидан фойдаланиб, қайтадан тасвирлаш, фикрни ўзга тилнинг белгилар қолипига жойлаштириш ҳаракати ҳамда шу жараённинг ўзига айтилади”.<sup>11</sup> Олимнинг ушбу фикрлари, асосан, семантик(маъновий) таржима ҳақида айтилган бўлиб, бадий асарлар таржимаси борасида бу фикрларни айтиш тўғри бўлади.

“Таржиманинг лингвистик назарияси” асарида Ж. Катфорд шундай дейди: “Аслият тилидаги матнга эквивалент бўлган матн материални таржима тилидан топиб, алмаштириш жараёни таржима деб аталади”<sup>12</sup>. Олимнинг бу фикрларида таржиманинг асосий компонентларидан ҳисобланмиш эквивалентлик ҳодисасига қисқача кириш қилингани кўринмоқда. Эквивалентлик ҳолатига берилган янада батафсил таърифни Р. Белл ҳамда Е.Найданинг илмий ишларида учратишимиз мумкин. Р. Беллнинг фикрича, таржима жараёнида аслият тилидаги матннинг семантик ва стилистик эквивалентини таржима тилидан топиш амалиёти асосий ўрин эгаллайди<sup>13</sup>. Е.Найда эса ушбу фикрларни янада бойитиб, Р. Белл томонидан “семантик” деб ифода этилган тушунчага батафсилроқ изоҳ беради: “Таржима - бир тилда келтирилган маълумотларни иккинчи бир тилда қайта яратиш жараёни бўлиб, бунда энг аввало, маъно терминларининг эквиваленти топилади, ундан сўнг эса услубий вазифа бажарувчи терминларнинг эквиваленти таржима тилидан қидирилади”.<sup>14</sup> Бундан англашиладики, таржимон бирон асарни бошқа тилга ўгиришда ҳар иккала тилнинг лингвистик хусусиятларидан яхшигина хабардор бўлиши, бу тилларнинг барча сатҳларини бирдек эътибор билан ўрганиб чиқиши зарур. Ж.Катфорднинг фикрлари эса, асосан, расмий таржималарнинг таърифига кўпроқ мос келади, деб ўйлаймиз.

Оксфорд университети профессори, таржима назариясини тадқиқ этиб ўрганган олимлардан бири Ж. Нортон таржима жараёни кўпроқ ёзма матнлар билан амалга оширилишини урғу бериб айтади: “Таржима- бир тилдаги ёзма матнни иккинчи тилдаги ёзма матннинг энг муқобил кўринишига ўтказиш жараёни бўлиб, бунда таржимон аслият тилининг синтактик тузилиш

<sup>11</sup> Snell-Hornby M. Translation Studies: An Integrated Approach. - Amsterdam/ Philadelphia: John Benjamins Publishing Company, 1988/1995. - 184 p.

<sup>12</sup> Catford J. A Linguistic Theory of Translation. - London: OUP. 1965. - 20 p.

<sup>13</sup> Bell R. Translation and Translating. - London and New York: Longman. 1991. - 5 p

<sup>14</sup> Nida E. and Taber C. The Theory and Practice of Translation. United Bible Society. 1969. - 12 p.

қонуниятларини, семантикасини, шунингдек, прагматик хусусиятларини яхши тушуниши зарур”<sup>15</sup>.

Таржиманинг табиати ҳақида ҳинд замонавий тилшунослик мактаби вакиллари шундай фикрни билдирадilar:

“Таржиманинг характеристикаси - табиати ҳақида қатъий фикр билдириш имконсиз, негаки, бу нарса ўзгарувчан бўлиб, таржима қилинаётган матннинг турига қараб, унинг хусусиятларини ўзлаштиради. Бирламчи семантик маъно англатувчи тил бирликларидан фойдаланиб яратиладиган матнлар - ҳужжатлари, шартнома ва бошқа турли иш қоғозларини хорижий тилларга ўгириш амалиёти таржиманинг нисбатан осон турларидандир. Маълумки, иш қоғозлари дунёдаги барча тилларда бу тилларнинг синтактик табиати, лексик таркибига мувофиқлаштирилган қатъий форма, талабларга мос тарзда тузилади. Бу нарса таржима жараёнида мутахассисга катта ёрдам беради. Таржиманинг бирмунча қийин бўлган тури - бу бадиий матнлар таржимаси. Чунки адабий асарларда маълум тил меъёрлари, қатъий чегаралар мавжуд бўлмайди: ифода услуби, муаллифнинг ёндашуви, лексик-синтактик таркиб, прагматик хусусиятлар ҳар бир асарда турлича бўлади. Таржимон эса бадиий асарнинг аслият матни луғат таркиби, грамматик тузилиши, гапларнинг структуралари, манба тилнинг стилистик имкониятларини тўлиқ таҳлил қилиб, уни таржима тилининг барча компонентларига мослаб, қайтадан яратиши лозим бўлади. Бу жараёнда манба тилида сўзлашувчи китобхонлар асардан қандай таассурот олган бўлса, таржима тили китобхони ҳам таржима асарни ўқиганда шундай тасаввурга эга бўлиши керак, деган тамойил асосий ўрин тутди”<sup>16</sup>.

Демак, таржима жараёни ҳақида гап кетганда, бир тилдаги оғзаки ёки ёзма матнни бошқа тилда, бошқа тил бирликлари воситасида қайтадан тасвирлаш жараёни тушунилиб, бунда манба тил ҳамда таржима тилининг лексик-семантик, стилистик, лингво-культурологик аспекти хисобга олинади. Шундан келиб чиққан ҳолда, биз ушбу диссертация ишимизда бадиий таржима амалиёти ҳамда бу жараённинг энг мураккаб жиҳатларидан бўлган услубий-тасвирий тил бирликларининг таржима қилинишини тадқиқ этишга ҳаракат қилдик. Асарнинг бадиийлик бўёғини, ундаги стилистик воситалар, бажиий унсурлар, тасвирий бўёқдорликни таржима матнида ҳам акс эттира олиш учун нафақат икки тилнинг лексик-стилистик қатламани яхши тушуниш, балки бу тилларда сўзлашувчи халқларнинг урф-одатлари, маданияти, миллий қадриятлари, керак бўлса, тарихий тараққиётдан ҳам хабардор бўлиш лозим.

<sup>15</sup>Norton G.P. Some Remarks on Translation and Translators. - Oxford:Oxford University Press. 1984. - 3 p.

<sup>16</sup> -Meaning, Nature and Scope of Translation Unit-01. 2013, India .



Сабаби, бадий матнларда кенг қўлланувчи стилистик воситалар(метафора, метонимия, синекдоха, муболаға), асосан, халқларнинг миллий қиёфасини акс эттиришда муҳим роль ўйнайди, шунингдек, бу воситаларнинг тилда шаклланиш жараёни ҳам халқларнинг турмуш тарзи, этник хусусиятларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Дунё таржимашунослик мактаблари ривожланиб борар экан, юртимизда ҳам мустақиллик йилларида олимлар орасида таржима фаолиятини тадқиқ этишга бўлган қизиқиш тобора ортиб борди. Хорижий тиллар билан ўзбек тили ўртасида амалга оширилган билвосита ҳамда бевосита таржималарни танқидий ёндашиб ўрганиш ҳолатлари орта бошлади, бунинг натижасида эса таржима жараёни ҳам анча такомиллашди, ҳар томонлама сифатли бўлган таржима асарлар миллий адабиётимизга кириб келди. Таржима фаолиятида эришилган ютуқларнинг яна бир сабаби сифатида таржима назариясини ўрганишда олиб борилган тадқиқот ишлари натижаларини ҳам келтириб ўтиш мумкин. Ўзбек адабиётини бойитиб турган жаҳон адабиёти дурдоналари таржималарини тилга олганда, инглиз китобхонлари учун тайёрланган ўзбек бадий асарлари таржималарини ҳам тилга олишимиз тўғри бўлади.

Бугунги кунга қадар ўзбек адабиётининг нодир намуналари кўплаб чет тилларига таржима қилиниб, ўзга тилли китобхонлар томонидан севиб ўқилмоқда. Бу асарларнинг жаҳон адабиёти манбалар хазинасини бойитганлиги, унинг ривожига ҳисса қўшганлиги аниқки, туркшунос олимларимиз бу ҳақида ўз илмий ишларида кўп бор маълумот бериб, бу таржималарнинг бадий салмоғини эътироф этишган. Миллий адабиётимизнинг сара намуналарини хорижлик китобхонларга улар тушунадиган тилда етказиб бериш, уларни эстетик завқдан баҳраманд этиш учун амалга оширилган муҳим ишлардан бири Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2010-йил 26-февралдаги қарорида ўз аксини топган. Қарорда Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида “Ижод” фонди ташкил этилиши белгиланган бўлиб, унинг давомида уюшмага махсус топшириқ ҳам юклатилиб, унинг асосий мазмуни “...халқимизнинг қадимий тарихи, бой маданияти, асрий анъана ва қадриятлари тараннум этилган, миллий маънавиятимизнинг мазмун-моҳияти теран бадий ифодасини топган мумтоз ва замонавий адабиётимиз муносиб намуналарини хорижий тилларга таржима қилишни ҳамда интернетда кенг тарғиб этиш”дан иборат эди.<sup>17</sup>

## **FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI (REFERENCES):**

<sup>17</sup> hisobot.ijod.uz>login/download/1292\_uz

1. Арипова, К. Ю. (2021). The distinctive features of translation of the novel “Night and day”. *Международный журнал искусство слова*, 4(1-2).
2. Catford J. *A Linguistic Theory of Translation*. – London: OUP, 1965. – P.20.
3. Ingo, R. 1989. Kääntäminen kielenopetuksessa. In Nuopponen & Palmberg (eds.), 61-67.
4. Klaudy K. 2003. *Languages in Translation*. Budapest: Scholastica.
5. G'afurov I, Mo'minov O, Qambarov N. *Tarjima nazariyasi*. –T.: Tafakkur bo'stoni, 2012. – B.7.
6. Musaev Q. *Tarjima nazariyasi asoslari*. – T: Fan, 2005. – B.8.
7. Salomov G'. *Tarjima nazariyasiga kirish*. – T.: O'qituvchi, 1978. – B.93.
8. Muminova, D. A. (2023). CHET TILINI O'RGANISHDA TARJIMANING ROLI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(11), 693-696.